

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 854-ҳадис

854/1784 – عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَهُ أَنْ يُرْدِفَ عَائِشَةَ وَيُعْمِرَهَا مِنَ التَّنْعِيمِ.

854.1784. Бизга Алий ибн Абдуллоҳ сўзлаб берди:

«Суфён бизга Амрдан (ибн Динордан) ривоят қилиб, сўзлаб бердики, у Амр ибн Авсдан қуйидагиларни эшитган экан: «Абдуррахмон ибн Абу Бакр розияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Оишани мингаштириб, уни Танъимдан умра қилдиришга буюрганларини хабар қилди».

Суфён бир сафар: «Мен буни Амрдан (ибн Динордан) қанча эшитган бўлсам, Амрдан (ибн Авсдан) ҳам шунча эшитганман», деган».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI